

## Ўзбекистон ва Қувайт қатор хужжатларни имзолайди

---



Ўзбекистон ва Қувайт инвестициялар, таълим ва илмий тадқиқотлар соҳаларида хужжатларни имзолайди.

7–10 февраль кунлари Ўзбекистон ташқи ишлар вазири Абдулазиз Камилов бошчилигидаги делегация расмий ташриф билан Қувайт давлатида бўлади, деб [хабар килди](#) ТИВ матбуот хизмати.

Ташриф дастуридан бош вазир шайх Жабер ал-Муборак ал-Ҳамад ас-Сабах, бош вазирнинг биринчи ўринbosари, ташқи ишлар вазири шайх Сабаҳ ал-Холид ал-Ҳамад ас-Сабах, Миллий мажлис Раиси Марзуқ Али Мухаммад ал-Ғаним билан учрашув ва музокаралар ўтказиш ўрин олган.

Ўзбекистон делегацияси Ўзбекистон-Қувайт бизнес-форуми ва бошқа қўшма тадбирларда ҳам иштирок этади.

Ташриф давомида инвестиция, таълим ва илмий тадқиқот соҳаларида икки томонлама ҳамкорликни янада ривожлантиришга йўналтирилган қатор хужжатлар имзоланиши режалаштирилган.